

Алимардонов И.М. -
ТМИ, доцент, и.ф.н.

КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИНГ КРЕДИТ ТҮЛОВИГА ЛАЁҚАТЛИЛИГИНИ БАҲОЛАШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ушбу мақолада кичик бизнес субъектларининг кредит түловига лаёқатлилигини баҳолашнинг янги, такомиллашган тартиби ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: активлар, дебитор қарздорлик, кредит, кредит түлови, кичик бизнес, мажбуриятлар, молиявий коэффициентлар, пул оқими, түловга лаёқатлилик, товар захиралари, фойда меъёри.

В данной статье разработан новый, совершенный порядок оценки кредитоспособности субъектов малого бизнеса.

Ключевые слова: активы, дебиторская задолженность, кредит, кредитный платеж, малый бизнес, обязательства, финансовые коэффициенты, денежный поток, платежеспособность, товарные запасы, норма прибыли.

This article developed a new, perfect order assess the creditworthiness of small businesses.

Key words: assets, accounts receivable, credit, credit transfer, small business, liabilities, financial ratios, cash flow, solvency, inventory, profit margins.

Тижорат банкларининг кредитлари кичик бизнес субъектлари фаолиятини молиялаштиришнинг асосий манбаларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси хукумати ва Марказий банки кичик бизнес субъектларини кредитлаш амалиётини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 январдаги ПҚ-2746-сонли “Кичик ва хусусий тадбиркорликни микрокредитлаш тизимини янада кенгайтириш ва соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида кичик бизнес субъектларини микрокредитлашни янада ривожлантириш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб берилган [1].

Эътироф этиш жоизки, республикамиз банкларида кичик бизнес субъектларининг кредит түловига лаёқатлилигини баҳолашнинг маҳсус, алоҳида методикаси мавжуд эмас. Ҳолбуки, кичик бизнес субъектларининг активлари ва мажбуриятлари таркиби, молиявий натижаларининг шаклланиши йирик корпоратив mijozlarnikidan сезиларли даражада фарқ қиласди.

Кичик бизнес субъектларининг кредит түловига лаёқатлилигини баҳолашда республикамиз банклари томонидан бешта молиявий коэффициентдан фойдаланилмоқда. Бунда учта кўрсаткич – ликвидлилик коэффициенти, қоплаш ва муҳторлик коэффициентлари – асосий коэффициентлар ҳисобланади. Дебитор қарздорлик ва товар захираларининг айланиш коэффициентлари эса, қўшимча коэффициентлар ҳисобланади.

Халқаро банк амалиётида кенг қўлланилаётган методикалар ҳозирга қадар республикамиз банклари амалиётига жорий этилмаган.

Асосий коэффициентлар бўйича мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилик даражаси қуидагича аниқланади (1-жадвалга қаранг):

1-жадвал

Тижорат банклари мижозларининг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш мезонлари [2]

№	Молиявий коэффициентлар	I-синф	II-синф	III-синф
1	Ликвидлилик коэффициенти (Кл)	Кл > 1,5	1,5 > Кл > 1,0	1,0 > Кл > 0,5
2	Қоплаш коэффициенти (Кқ)	Кқ > 2,0	2,0 > Кқ > 1,0	1,0 > Кқ > 0,5
3	Мухторлик коэффициенти (Км), фоизда	Км > 60%	60% > Км >30%	30% > Км >15%

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, республикамизнинг йирик тижорат банклари фаолиятида қўлланилаётган мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш тартиби учта молиявий коэффициентга таянади. Қўшимча молиявий коэффициентлар бўйича эса, меъёрий даражалар мавжуд эмас.

Банк мижозларининг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашнинг амалдаги тартиби, фикримизча, қуидаги камчиликларга эга:

- ушбу тартиб мижознинг пул оқимини барқарорлигини аниқлаш имконини бермайди. Ҳолбуки, кредит мижознинг жорий ҳисобрақамидаги пул маблағлари ҳисобидан қайтарилади;
- айланиш коэффициентларининг даражасини аниқ баҳолашнинг иложи йўқ. Чунки, республикамизда айланиш коэффициентларининг иқтисодиёт тармоқлари бўйича ўртача даражалари эълон қилинмайди;
- мазкур тартибда мижознинг кредит тарихини ҳисобга олишининг имкони йўқ;
- қўлланилаётган молиявий коэффициентлар мижознинг кредитор қарздорлигини, қарзга хизмат кўрсатиш даражасини баҳолаш имконини бермайди.

Россия амалиётида ҳам кичик бизнес субъектларининг кредит тўловига лаёқатлилиги йирик ва ўрта бизнес субъектлари билан бир хил усуллардан фойдаланган ҳолда аниқланади [3].

АҚШ тижорат банклари ўзларининг юридик шахс мақомига эга бўлган мижозларининг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашда 4 гурӯхга мансуб бўлган қуидаги кўрсаткичлардан фойдаланишади [4]:

- ликвидлилик кўрсаткичлари;
- капиталнинг айланиши;
- жалб қилинган маблағлар;
- фойда кўрсаткичлари.

Тарақкий этган мамлакатлар банк амалиётида кенг қўлланилаётган мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашнинг скоринг усули 1940 йилда АҚШлик таниқли иқтисодчи олим Д.Дюран томонидан ишлаб чиқилган [5].

Скоринг аслида математик модель ҳисобланади ва у мижознинг кредит тарихи маълумотлари асосида кредитни мижоз томонидан муддатида қайтариш эҳтимолини аниқ баҳолаш имконини беради.

Скоринг баҳолаш модели учта молиявий коэффициентга асосланади:

- умумий капиталнинг рентабеллик коэффициенти;
- жорий ликвидилик коэффициенти;
- молиявий мустақиллик коэффициенти.

Ушбу моделга мувофиқ, тијорат банкларининг мижозлари кредит тўловига лаёқатлилик даражасига кўра қуидаги 5 тоифага бўлинади:

- * I тоифа – молиявий барқарорлик даражаси юқори бўлган корхоналар;
- * II тоифа – қарздорлик рискига маълум даражада дучор бўлган корхоналар;
- * III тоифа – муаммоли корхоналар;
- * IV – юқори даражадаги банкротлик рискига дучор бўлган корхоналар;
- * V – ўта юқори рискли корхоналар.

Биз ишлаб чиқсан методика, яъни кичик бизнес субъектларининг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш методикаси:

- пул оқими барқарор бўлган кичик бизнес субъектларининг кредит тўловига лаёқатлилигини “пул оқимини баҳолаш” усули орқали аниқлашга асосланган;
- кичик бизнес субъектларининг тўловга қобиллигини барча жиҳатларини қамраб оладиган молиявий коэффициентлар мажмуини қамраб олган.

Бироқ, биз таклиф этган методикани амалиётга жорий этиш учун қуидаги икки шарт бажарилиши лозим:

- айланиш коэффициентларининг (дебитор қарздорликнинг айланиш коэффициенти, товар захираларининг айланиш коэффициенти) иқтисодиёт тармоқлари бўйича ўртacha даражаси маъсул давлат органи томонидан эълон қилиниши лозим;
- давлат солиқ инспекцияларининг кичик бизнес субъектларининг молиявий ҳисботларидағи маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва ишончлилигига жавоб бериши керак.

Халқаро банк амалиётида мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини аниқлашда пул оқимини баҳолаш усулидан фойдаланилади. Бунда асосий эътибор компания умумий пул оқимининг унинг жами қарз мажбуриятларига нисбатан даражасини баҳолашга қаратилади.

Корхонанинг умумий пул оқими пул маблағлари кирими суммаси билан пул маблағлари чиқими суммаси ўртасидаги фарқдан иборатdir.

Таъкидлаш жоизки, корхонанинг умумий пул оқимини таҳлил қилиш асосида унинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш амалиётининг икки шакли мавжуд.

Биринчи шаклда корхонанинг умумий пул оқимини барча қарз мажбуриятлари суммасига бўлиш орқали унинг кредит тўловига лаёқатлилиги аниқланади (2-жадвал).

2-жадвал

Корхона умумий пул оқимининг унинг жами мажбуриятларига нисбатан даражасига кўра кредит тўловига лаёқатлилик мезонлари ва синфлари [6]

Умумий пул оқимининг жами қарз мажбуриятларига нисбатан даражаси	Кредит тўловига лаёқатлилик бўйича синфлар
0,75	I
0,30	II
0,25	III
0,20	IV
0,20	V
0,15	VI

2-жадвал маълумотларидан кўриш мумкини, корхона умумий пул оқимининг жами қарз мажбуриятларига нисбатан даражаси қанчалик юқори бўлса, унинг кредит тўловига лаёқатлилик даражаси шунча юқори бўлади. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, пул маблағлари корхоналарнинг энг юқори ликвидли активи ҳисобланади; иккинчидан, тижорат банклари томонидан берилган кредитлар ва уларнинг фоизлари корхонанинг жорий ҳисобрақамидаги пул маблағлари ҳисобидан қайтарилади.

Кредитларнинг гаров таъминоти уларни қайтаришнинг иккиламчи манбаи бўлганлиги сабабли, тараққий этган мамлакатлар амалмётида мижозларни кредитлашда устуворлик уларнинг пул оқимини барқарорлиги ва даражасига берилади.

Корхонанинг умумий пул оқимини таҳлил қилиш асосида унинг кредит тўловига лаёқатлиигини баҳолаш амалиётининг иккинчи шаклида пул оқимининг даражасига қўйидагича баҳо берилади:

3-жадвал

Корхона пул оқимининг даражалари таснифи [7]

Пул оқими таснифи	Пул оқимининг кредитнинг асосий қарз суммаси ва фоизига нисбатан даражаси
Кучли	2 мартадан ортиқ
Сезиларли	1,5-2,0 марта гача катта
Етарли	0,95-1,5 гача
Етарли эмас	0,5-0,95 гача
Салбий	0,5 дан паст

3-жадвал маълумотлари кўрсатадики, корхона пул оқимининг даражаси кредитнинг асосий суммаси ва фоизига нисбатан табақалашган ҳолатда баҳоланади.

Гарчи умумий пул оқимини баҳолаш орқали корхоналарнинг кредит тўловига лаёқатлиигини аниқлаш амалиёти молиявий коэффициентларга асосланган амалиётга нисбатан афзал бўлса-да, унинг ҳам ўзига хос камчиликлари мавжуд. Ана шундай камчиликлардан бири – бу умумий пул

оқимини баҳолашда корхона томонидан жалб этиладиган маблағларни ҳисобга олиб бўлмаслигидир.

Биз таклиф қилган методика қуидаги 8 молиявий коэффициентни ўз ичига олади:

1. Тезкор ликвидлилик коэффициенти
2. Жорий ликвидлилик коэффициенти
3. Жами капиталнинг рентабеллиги
4. Ўз капиталининг рентабеллиги
5. Молиявий маржа коэффициенти
6. Молиявий мустақиллик коэффициенти
7. Дебитор қарздорликнинг айланиш коэффициенти
8. Товар захираларининг айланиш коэффициенти

Ушбу коэффициентлар бир-бирини инкор қилмайди, балки тўлдиради.

Мазкур коэффициентлар асосида кичик бизнес субъектларининг кредит тўловига лаёқатлигини баҳолаш натижалари кўрсатдики, биринчидан, ушбу субъектларда тезкор ликвидлилик коэффициентининг даражаси паст. Бу эса, мамлакат иқтисодиётида тўловсизлик муаммосининг мавжудлиги ва уларнинг пул оқимини заиф эканлиги билан изоҳланади. Иккинчидан, айрим кичик бизнес субъектларида таҳлил қилинган давр мобайнида (2011-2015 йй.) ялпи фойда миқдорини сезиларли даражада пасайганлиги кузатилди. Бу эса, мазкур даврда маҳсулот таннархининг ошганлиги натижасидир. Учинчидан, 2015 йилда айрим кичик корхоналарнинг молиявий левераж коэффициенти 2013 йилга нисбатан сезиларсиз даражада ошганлиги 2015 йилда тижорат банкларидан олинган кредитларнинг маълум қисмини қайтарилиши натижасида мажбуриятлар суммасининг камайганлиги билан изоҳланади. Тўртинчидан, кичик бизнес субъектларида молиявий левераж коэффициенти даражасини 2015 йилда 2011 йилга нисбатан юқори суръатда ошиши мазкур давр мобайнида корхонанинг ўз маблағларини ўсиш суръатини унинг мажбуриятларини ўсиш суръатидан юқори бўлганлиги натижаси эканлиги аниқланди.

Республикамизда айланиш коэффициентларининг ўртача тармоқ даражасини эълон қилинмаётганлиги дебитор қарздорликнинг ва товар захираларининг айланиш коэффициентларини даражасини реал баҳолаш имконини бермайди. Шу сабабли, фикримизча, тижорат банклари мазкур коэффициентларнинг амалдаги даражасини баҳолаш учун уларни олдинги даврлардаги даражалари билан таққослашлари ва банк мижози бўлган ушбу тармоқда фаолият юритаётган кичик бизнес субъектларининг айланиш коэффициентлари билан таққослашлари лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 январдаги ПҚ-2746-сонли “Кичик ва хусусий тадбиркорликни микрокредитлаш тизимини янада кенгайтириш ва соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – №6 (766). – Б. 151-152.
2. Ўзбекистон Республикасининг йирик акциядорлик-тижорат банклари – Асакабанк, Агробанк, Қишлоқ қурилиш банкининг кредитлаш амалиётида қўлланилаётган кредит тўловига лаёқатлиликни баҳолаш мезонлари.
3. Банковское дело. Учебник. 12-е изд. – М.: КНОРУС, 2016. – С. 368-369.
4. Синки мл. Д. Ф. Управление финансами в коммерческом банке: пер. с англ. – М: Саталлахи. 1997. – С.182.
5. Кабушкин С.Н. Управление банковским риском. – Минск: Новое знание, 2006.
6. Банковское дело. Под ред. проф. О.И. Лаврушина. Учебник. – М.: КНОРУС, 2008. – С. 387.
7. Афанасьева О.Н. Оценка кредитоспособности заемщика на основе анализа денежного потока//Банковское дело. – Москва, 2014. - №2. – С. 51-52.